



Ш.Хақназаров

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

Суд муҳокамаси жараёнида процесс иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш

Аннотация: Мазкур мақолада суд муҳокамаси жараёнида процесс иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш сабаблари, асослари ва тартиблари таҳлил қилинган. Бундай таҳдидларни аниқлаш ва суд муҳокамаси жараёнида зарур чораларини қўришда жиноят ишини юритаётган шахс ваколатлари қўриб чиқилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Қалит сўлари: жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, гувоҳларни ҳимоя қилиш, хавфсизлик, ёпиқ суд мажлиси, сабаб ва асослари, жиноят процесси.

Обеспечение безопасности участников процесса во время судебного разбирательства

Аннотация: В данной статье анализируются основания, основания и порядок применения мер обеспечения безопасности участников процесса во время судебного разбирательства. Учитывались полномочия лица, ведущего уголовное дело, в выявлении таких угроз и принятии необходимых мер в вовремя судебного заседания. В данной статье анализируются мнения ученых наряду с отечественным и зарубежным законодательством.

Ключевые слова: защита потерпевших, защита свидетелей, безопасность, закрытое судебное заседания, поводы и основание, уголовный процесс.

Қонун устуворлиги ғоясининг тимсоли жиноятчиликка қарши кураш соҳасида шахсининг, хусусан, жиноий одил судловга ҳисса қўшаётган фуқароларнинг хавфсизлиги учун тегишли қафолатлар яратишни назарда тутди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида”¹, шунингдек ривожланган мамлакатлар қонунчилигида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати жамиятнинг олий қадрияти эканлиги белгилаб қўйилган². Кўпгина ривожланган мамлакатларда шахсининг, нафақат гумон қилинувчининг, балки айбланувчининг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган институтлар ва механизмлар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш тажрибаси тўплаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилишни давлатнинг бурчи сифатида эълон қилади. Фуқароларнинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизликка

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. 13-модда.



бўлган конституциявий ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг кўринишларидан бири жиноят процессида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдир. Жиноят процессида юзага келган муаммоларни ҳал этиш жабрланувчилар, гувоҳлар ва одил судловга ҳисса қўшувчи бошқа шахсларнинг фаол иштирокисиз мумкин эмас.

Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади жиноят ишларини юритиш жараёнида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. “Инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади” бу қоида давлатимиз Конституциясида ҳам акс эттирилган³.

А.Ш.Умархоновнинг фикрича, жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати эълон қилинганидан кейин қонунларда гувоҳ ва жабрланувчилар ҳуқуқларини кенгайтириш тамойиллари кучайиб бормоқда, жумладан, қонунчиликда айбланувчи жабрланувчи билан ўзаро ярашган ва зарарни қоплаган ҳолларда жиноят ишларини тугатиш мумкинлиги тартибга солинди⁴.

Бутун жараён давомида давлат ҳимояси ва жиноят-процессуал хавфсизлик чораларини таъминлаш суд мажлисида ўзига хос хусусиятларга эга. Жиноят процессида хавфсиз иштирок этишни таъминлаш жараёни тергов органлари ва суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган исботлаш мавзусига оид иш учун зарур бўлган маълумотларни олишга қаратилган. Бу жараён жиноят иши материалларида кўрсатилган ҳолатларни судда кўришда ўзига хос хусусиятларга эга.

Аввало, улар суд муҳокамасининг умумий шартлари ва дастлабки терговнинг умумий шартлари ҳар хил бўлганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, агар судгача бўлган иш юритиш махфийлиги, суриштирувчи ёки терговчи томонидан тўпланган маълумотлардан фойдаланишнинг чекланганлиги билан тавсифланган бўлса, у ҳолда суд тартибида мажлис, умумий шартлардан бири кўриб чиқиш ошкоралик ҳисобланади моҳияти бўйича ишлар.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 19-моддасида санаб ўтилган бир қатор жиноят процессуал чоралар суд босқичларида, яъни уларни амалга оширишнинг очиқлиги шароитида қўлланилиши мумкин эмас.

Судгача бўлган иш юритишда хавфсизлик чоралари махфийликка асосланади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан идоравий характердаги нормаларга қўшимча равишда тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида хавфсизлик чоралари универсал хусусиятга эга ва жиноят процессининг деярли ҳар қандай иштирокчисига нисбатан қўлланилиши мумкин.

³ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.5.

⁴ А.Ш.Умархонов. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. *uzbek law review*. Обзор законодательства узбекистана. 2018 №2. – Б 61-63



Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 270-моддаси мазмуни хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос сифатида жабрланувчи, гувоҳ ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари, қариндошлари ёки яқин шахсларга қотиллик, зўравонлик, уларнинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки бузиш ёки бошқа хавфли ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилиш билан юзага келади.

Суд жараёнига келсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормалари қуйидаги жиноят-процессуал хавфсизлик чораларини қўллаш имкониятини белгилайди:

1) ишни моҳиятан ёпиқ суд муҳокамаси (ёпиқ суд мажлисининг ўзи анонимлик кафолати бўла олмайди, чунки гувоҳни аниқлаш суд муҳокамасининг тайёргарлик қисмида мажбурий тартибдир);

2) гувоҳни суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари томонидан визуал кузатишни истисно қиладиган шароитларда гувоҳнинг ҳақиқий шахсини ошкор этмасдан сўроқ қилиш;

3) жабрланувчи ва гувоҳлар учун “хавфсиз кутиш хоналари” ташкил этиш;

4) суд залига киришдан олдин барча шахсларни текшириш суд мажлисида ҳужжатлар ва (ёки) шахсий тинтув, шу жумладан олиб қўйилган қуролларни ёки бошқа умумий хавфли нарсаларни аниқлаш учун техник воситалардан (металл детекторлардан) фойдаланиш, нарсаларни текшириш;

5) суд залига ёки суд мажлиси залига киришни тақиқлаш;

6) суд муҳокамаси қатнашчиларидан ва суд мажлиси залида ҳозир бўлган бошқа шахслардан жиноят ишини юритиш жараёнида уларга маълум бўлган маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисидаги ҳамда суд муҳокамасида иштирок этганликлари тўғрисида тилхат олиш;

7) ҳимоя қилинаётган шахс суд залидан ташқарида бўлганида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда сўроқ қилиш;

8) суд ҳужжатларида таҳаллус кўрсатиш ва бошқа хавфсизлик чоралари.

Ёпиқ суд мажлиси унинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бундай мажлиснинг мазмуни қуйидаги тақиқларни ўз ичига олиши мумкин: а) судланувчи тарафидан манфаатдор шахслар ва бошқа бегона шахслар суд мажлисларида қатнаша олмайдилар; б) суд жараёнларида аудио ва видеога олиш, шунингдек суратга олиш тақиқланади.

Аноним гувоҳнинг суд мажлисида хавфсиз иштирок этишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят процессуал кодексида жиноят ишининг юрисдиктсиясига оид барча кўрсатмаларни қатъий ва том маънода бажариш орқали амалга оширилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноят процесси иштирокчиларни суд мажлисида хавфсизлигини таъминлаган ҳолда сўроқ қилишни таъминловчи қоидалар халқаро ҳужжатларда ҳам қайд этилган. Масалан, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид Конвенциясида уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноят ишларини юритишда гувоҳ, жабрланувчи ва судланувчиларнинг



хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш имкониятини белгилайди⁵. Одил судловга кўмаклашиш муносабати билан шахсларга (оила аъзолари, яқин қариндошлари, яқинларига) ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига жиддий реал хавф мавжуд бўлса, судда ҳимоя остидаги шахс таҳаллус остида иштирок этиши, видеоконференцалоқа ва бошқа хавфсизлик чораларидан фойдаланиши муҳим қоида сифатида белгиланади. Бундай вазиятда суд залида таҳаллус остидаги шахс иштирок этмаганлиги учун қарама-қарши томон савол бериш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлади, фақат унинг кўрсатмалари суд залида ўқиб эшиттирилади.

Худди шундай қоидалар, Нидерландия ЖПКнинг 226А моддасида белгиланган, унга мувофиқ, гувоҳнинг ҳаёти, соғлиғи, оиласи ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги тўғрисида асослар мавжуд бўлса, гувоҳнинг шахсига оид маълумотлар сир сақланиши мумкин⁶. Суд муҳокамаси жараёнида гувоҳга оид маълумотлар суд мажлиси баённомасида йўқлиги, унинг кўрсатмаларидан далил манбаи сифатида фойдаланишга тўсқинлик қилмаслиги таъкидланган (Нидерландия ЖПКнинг 344-модда).

Аммо, суд тергови қарама-қарши томон иштирокчисига таҳаллус остидаги шахсга техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёки, агар бу жуда хавфли бўлса, ёзма равишда саволлар беришга рухсат бериши мумкин (Нидерландия ЖПКнинг 226Д-модда) назарда тутган. Таъкидлаш жоизки, таҳаллус остида иштирок этаётган шахснинг кўрсатмаси фақат жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсга нисбатан далил сифатида ишлатилиши мумкин. Шунингдек, Нидерландиянинг жиноят процессуал қонунчилигида кўпчилик давлатларнинг қонунчилигида мустаҳкамланганидек, суд ҳукми бошқа далиллар мажмуи билан тасдиқлангандагина асосли бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Дарҳақиқат, одил судлов манфаатлари учун судда олинган далиллар мажмуининг етарлилиги билан тегишли тартиб орқали ҳам қафолатланиши ҳамда улар алоқадорлиги, ишончилиги ва мақбуллиги хусусиятларга жавоб бериши керак.

Бизнинг фикримизча, таҳаллус остида иштирок этаётган шахснинг суд мажлисида шахсига оид маълумотларни ошкор қилмасдан, визуал кузатишни истисно қиладиган шароитларда сўроқ қилиш, бир қарашда, судланувчининг исботлашда фаол иштирок этишига имкон бермайдигандек туюлади. Бу усул суд муҳокамасида шахсни таниб олиш кўрсатиш процессуал ҳамда ташкилий характериға эгадир. Қайд этиш лозимки, суд муҳокамаси жараёни шахсни таниб олиш учун кўрсатиш (гувоҳни, жабрланувчини) шахсни кузатиш ва унинг шахсини аниқлаш имкониятини истисно қиладиган шарт-шароитларда амалга оширилиши лозим.

Амалиётда таҳаллус остида қатнашаётган шахс судланувчини таниб олиш учун ва судланувчи таҳаллус остида қатнашаётган шахсни идентификация қилишни олдини олиш мақсадида, турли хил усуллардан қўлланилган. Россиялик процессуалист олимлардан А.Ю.Епихин тергов изоляторининг камерасида тергов

⁵ Рекомендуемые виды практики в области защиты свидетелей при производстве по уголовным делам, касающимся организованной преступности. Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. [https://www.unodc.org/documents/organized-crime/V085336620Practices%20\(R\).pdf](https://www.unodc.org/documents/organized-crime/V085336620Practices%20(R).pdf)

⁶ Criminal Procedure Code of the Netherlands Date: 1921-01-15



ҳаракати ўтказилганда бундай идентификацияни ўтказиш амалиётидан мисол келтирган. Масалан, айбланувчи ва бошқа бир қатор шахслар билан бирга камерада бўлган вақтда, гувоҳ уни таниб олиш учун камера эшик тешигидан таниб олиш имкони берилган⁷.

Бугунги кунда замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда суд мажлисида таҳаллус остидаги шахсни хавфсизлигини таъминлаш ва унинг иш юритишда иштирок этиш имконияти ҳимоячига унга зарур саволларни бериш ва шу билан исботлашда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш имконини беради.

Шахсга доир маълумотлар сир сақлаган шароитида суд мажлисида таҳаллусга эга шахсни сўроқ қилинаётганда раислик қилувчи ҳимоя қилинаётган шахсга қўйилган саволларнинг сифатига алоҳида эътибор бериши керак, чунки, саволларнинг мазмуни шахсни идентификация қилмаслиги ёки аниқламаслиги лозим.

Бошқа ҳолатда, ҳимояланган шахсни судда сўроқ қилишнинг бошқа усуллари маълум. Масалан, суд залида шахсларни хавфсизлигини таъминлаш учун таҳаллус остида қатнашаётган шахсга саволларга ёзма жавоб бериш ҳуқуқини алоҳида хонада сақлаган ҳолда, унинг шахсига ишонч ҳосил қилган раислик қилувчи, ўзи ва суд мажлисида иштирок этаётган бошқа шахслар томонидан ёзма равишда саволлар беради. Жабрланувчининг, гувоҳнинг ҳуқ-атворининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, суд ва кўплаб нотаниш одамларнинг мавжудлигидан хижолат бўлиб, унга берилган саволларга аниқ жавоб бера олмаганидан суд амалиётида кўплаб учраб туради. Бундай ҳолатда, суд саволларнинг ёзма шакли ва уларга ёзма жавоблар тўғрисида қарор қабул қилади⁸. Ушбу усул ҳимояланган шахсни овози ва юзидан таниб олишдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Бироқ бугунги кунда, суд мажлисида ҳимоя қилишнинг бундай ностандарт усуллари мавжуд бўлиб, юзини, овозини ҳам, ташқи хусусиятларини ҳам ўзгартиришга имкон берувчи техник воситалар мавжуд (дастурлар, мобил иловалар мавжуд).

Энг муҳими, таҳаллус остида қатнашаётган шахсларга саволлар бериш имкониятини бериш билан бирга, унинг ҳар бир кўрсатмаларига суд мажлисида қарама-қарши томон қарши фикр билдириш имкониятига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида судланувчининг тортишув, ошкоралик, тенглик принципига бўлган ҳуқуқини сезиларли даражада оширади. Шу билан бирга, томонларнинг тортишув принципи исботлаш жараёнида, шу жумладан таҳаллус остида кўрсатмаларни текшириш ва баҳолаш жараёнида айблов ва ҳимоя қилиш учун тенг шарт-шароитларни яратади.

Шундай қилиб, суд босқичида жинойт-протсессуал хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда, бир томондан, суд жараёнида ҳимоянинг манфаатларини бузмаслик учун айблов ва ҳимоя манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш айниқса муҳим кўринади. далилларни ўрганиш ва бошқа томондан, аноним гувоҳнинг хавфсизлигини кафолатлаш.

⁷ Епихин, А. Ю. Правовое регулирование мер безопасности участников уголовного процесса / А. Ю. Епихин // Законность. -2003. - № 5. - С. 45-49.

⁸ Епихин А.Ю. Правовое регулирование мер безопасности участников процесса // Законность. – 2003. – № 5. – С. 46.